ШАХСГА НИСБАТАН ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАШДА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Эгамқулов Достон Фарход ўғли
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

Аннотация. Мақолада шахсларга нисбатан процессуал мажбурлов чоралари қўллашда ЖПКда кўрсатилган принципларга роия қилиниши, уларни қўлланилиши, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини адолат мезони асосида тадқиқ этишни мақсад қилиб қўяди. Мақолада мамлакатимиз ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини белгиловчи асосий ва ягона қонун – Жиноят-процессуал кодексининг вазифаси ва принциплари, айни вақтда, Жиноят ишларини адолатли юритилиши жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти самарадорлигини оширишга бевосита хизмат қиладиган муҳим омиллардан эканлигига алоҳида урғу берилади.

Калит сўзлар. Жиноят процессуал кодекси, принцип, қонунийлик, ҳақиқатни аниқлаш, ҳимоячи, , суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд

ПРИМЕНЕНИЕ ПРИНЦИПОВ УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ПРИ ПРИМЕНЕНИИ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ МЕР ПРИНУЖДЕНИЯ В ОТНОШЕНИИ ЛИЦА.

Аннотация. В статье рассматривается соблюдение и применение принципов, предусмотренных Уголовно-процессуальным кодексом, при применении процессуальных мер принуждения в отношении личности, а также ставится цель исследовать действующее уголовно-процессуальное законодательство Республики Узбекистан с позиции принципа справедливости. В статье особое внимание уделяется тому, что основным и единственным законом, определяющим порядок производства по уголовным делам на территории нашей страны, является Уголовно-процессуальный кодекс, а его задачи и принципы служат важнейшими факторами, непосредственно способствующими повышению эффективности деятельности по борьбе с преступностью и обеспечению справедливого уголовного судопроизводства.

Ключевые слова: Уголовно-процессуальный кодекс, принцип, законность, установление истины, защитник, дознаватель, следователь, прокурор, суд.

APPLICATION OF THE PRINCIPLES OF CRIMINAL PROCEDURE LAW IN THE IMPLEMENTATION OF PROCEDURAL COERCIVE MEASURES AGAINST AN INDIVIDUAL.

Abstract. The article focuses on the observance and application of the principles set forth in the Criminal Procedure Code when applying procedural coercive measures against individuals. It aims to study the current criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan based on the criterion of justice. The article emphasizes that the Criminal Procedure Code, as the main and sole law regulating the procedure for conducting criminal proceedings within the territory of our country, and its objectives and principles, serve as essential factors directly contributing to ensuring fair criminal proceedings and enhancing the effectiveness of activities aimed at combating crime.
Keywords: Criminal Procedure Code, principle, legality, establishment of the truth, defense counsel, inquiry officer, investigator, prosecutor, court.

Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, жиноят процессида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган мажбурлов чораларини қўллаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи каби процессуал мажбурлов чораси ҳам шахснинг қонунда назарда тутилган ҳукуқ ва эркинликларини, ҳаракатланиш эркинлигини чеклайди. Шу сабабли, уни қўллашдаги ҳар бир жараён қонунийлик, асосланганлик ва адолат тамойилларига, ЖПКда кўрсатилган принципларга тўлиқ мос келиши шарт.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам ўз нутқларида “Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарур. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Буни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман. Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарур. Бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борича камайтириш лозим. Келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори усгидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда. Сир эмас, илгари прокуратура идоралари ниҳоятда ёпиқ, назоратдан холи бир органга, таъбир жоиз бўлса, охирги инстанцияга айланиб қолган эди. Бунинг оқибатида қанча-қанча одамлар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка дучор бўлгани ҳам айни ҳақиқат. Қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин, биз шу ҳақиқатни тан олиб, бу соҳада қонунийлик ва адолатни қарор топтиришга киришдик. Иш онаманки , прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик

мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади.” деб билдириб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган ўн еттита принцип жиноят ишларини юритишда шахснинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг асосий устуни ҳисобланади. Яъниким, жиноят процессида иштирок этувчи мансабдор шахслар, хусусан, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, терговга қадар текширув органларининг мансабдор шахслари ўз фаолиятида қуйидаги принципларга қатъий амал қилишиди:

–Қонунийлик (ЖПК 11-модда);

–Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши;

–Жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш;

–Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши;

–Жиноят иши қўзғатишнинг муқаррарлиги;

–Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш;

–Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш принципи; –Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш;

–Судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши;

–Жиноят ишлари юритиладиган тил;

–Жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки

–Ҳақиқатни аниқлаш;

–Айбсизлик презумпцияси;

–Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш (ЖПК 24-модда);

–Судда ишларни юритишда тортишув;

–Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш;

–Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11-моддасида “Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.”, деб кўрсатилган бўлиб, унга кўра жиноятларни тергов қилиш давомида қонунга амал қилган ҳолатда ундан оғишмай ишларни юритиш кераклиги, ЖПКнинг 22-моддасида “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган

маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим.” деб кўрсатилган, мазкур нормадан кўришимиз мумкинки, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашди фақатгина қонунда назарда тутилган ҳолда тўпланган, текширилган ва баҳоланган далилларни таяниб, оқловчи ва шахсни жиноят содир қилганлигини исботловчи далиллар орқали қонуний қарор қабул қилишлик лозимлиги кўрсатилган.

Бироқ ҳозирги кунда жиноят жиноят ишларини тергов қилиб ва судда куриш жараёнида юқори кўрсатиб ўтилган принсипларга амал қилинмаслиги, уларни тўғри тадбиқ этмаслиги оқибатида шахсларни нисбатан нотўғри айбловлар қуйилиши, жавобгарликка тортилиши, энг ачинарлиси уларни асоссиз қамоққа олинишлари кузатилмоқда.

Шу сабабли бу каби муаммоларни олдини олиш инсонларни “қонун устуворлиги”га ишончини янада мустаҳкамлаш учун учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мумкин, фуқароларни ҳуқуқий онги ва маъданиятини ошириш, ҳимоячи институтини ва уларни мустақиллигини янада кучайтириш, судда ҳақиқатда тортишув принципини кучайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш лозим бўлади.

Шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чоралари қўллашда жиноят-процессуал қонунчилиги принципларини қўлланилишида юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш орқали адолатли ва инсонпарвар жамият шаклланишига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

[1]Таирова Г. Анализ уголовно-процессуального законодательства сквозь призму справедливости //Общество и инновации. – 2024. – Т. 5. – №. 2/S. – С. 6-18.

[2]Усмоналиев Н., Ёқубов А. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ВА КЎРИБ ЧИҚИШДА ПРИНЦИПЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ //Прикладные науки в современном мире: проблемы и решения. – 2025. – Т. 4. – №. 8. – С. 36-41.

[3]Абдуллаев А. УШЛАБ ТУРИШ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИНИ

ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 9. – С. 354-361.
[4]Ўзбекистон Республикаси ЖПК– 22.09.1994

International Conferences
Open Access | Scientific Online | Conference Proceedings
INTERNATIONAL CONFERENCES OF PRACTICE